**Шартнома №** 7

Боғот тумани.

«_04__» _феврал____ 2022_й

**«Интизор Фарангиз» Маъсулияти чекланган жамияти** бундан буён матнда «Таъминловчи деб аталувчи номидан рахбари И.Хикматов фаолиятини Низом асосида амалга оширувчи бир томондан ва «Боғот туман газ таъминоти филиали» фаолиятини Низом асосида амалга оширувчи бундан буён матнда «Истеъмолчи», деб аталувчи номидан рахбари Д.И. Сотиев, иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

## 1. Шартнома предмети

**1.1.** «Сотувчи» шартномада кўрсатилган махсулот ва хизматлар (лар)ни бажариб етказиб беради. «Харидор» эса шартномада кўрсатилган махсулот ва хизматлар хақини ўз вактида ва белгиланган тартибда тўлагандан кейин қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

| № | Махсулот ва хизматлар тури | Ўл. бир. | Жами миқдори | Шу жумладан 2022__йил чораклар бўйича. | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | I-чорак | II -чорак | III -чорак | IV-чорак |
| 1 | Газ баллонлари мавжуд автомабилга **сиқилган табиий газ** тўлдириб бериш. | Метр куб | 4000 | 2000 | 2000 | - | - |

**1.2.** «Истеъмолчи» транспорт воситаларига, махсулот ва хизматларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш, «Таъминловчи» нинг автомабилларга газ қуйиш махсус шахобчаси (компрессор станциялари) орқали амалга оширилади.

Ушбу шартномага «Истеъмолчи» ушбу шартнома бўйича газ тўлдирилиши лозим бўлган транспорт воситаларининг тасдиқланган рўйхатини тақдим қилиши лозим.

Етказиб бериш санаси «Истеъмолчи» транспорт воситаларига ёқилғи (сиқилган табиий газ) тўлдириш (қуйиш) санаси хисобланади.

## 2. Шартнома қиймати ва тўлов шартлари.

**2.1.** Шартноманинг умумий қиймати 10800000 (ўн миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил қилади ва хом ашё, материаллар, ёқилғи-энергетика ресурслари нархининг ўзгариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси хукуматининг меъёрий хужжатлари ва қарорлари номи билан ўзгариши мумкин.

Сиқилган табиий газ учун тўлов қуйдаги нарх бўйича амалга оширилади:

**2700 сўм (ққс билан)** ҳар бир куб метри учун, агар автомабил «Истеъмолчи» балансида ёки ижарага олган бўлса;

**2700 сўм (ққс билан)** ҳар бир куб метри учун, агар автомабил жисмоний шахсдан ижарага олингнан бўлса.

**2.2.** Сиқилган табиий газни тўлдириш (ёнилғи қуйиш) белгиланган шаклда тарқатиш рўйхатлари бўйича 100% хисоб-китобларни олдиндан тўлаш ва "Таминловчи"нинг хисоб-китоб хисобварағига пул тушганидан сўнг амалга оширилади. Тарқатиш вараги ва унга қўшимчалар нархини тўлаш алохида амалга оширилади.

**2.3.** «Истеъмолчи» нинг фойдаланилмаган маблағларини қайтариш шартнома бекор қилингандан кейин амалга оширилади, бу эса ўз навбатида «Истеъмолчи»нинг ёзма сўровига биноан амалга оширилади.

**2.4.** Тўлов шартлари бузилган тақдирда, айбдор томонга ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 фоиз миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида жарима ундирилади.

## 3. Тамонларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари.

**3.1.** «ИСТЕЪМОЛЧИ» газ ускуналари (газ ускуналари) билан жихозланган транспорт воситаларининг техник холати ва ишлаш хавфсизлиги, шунингдек ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгардир.

**3.2.** «ИСТЕЪМОЛЧИ» мажбуряти;

а) сиқилган табиий газдан фойдаланиш ва Газ баллонлар билан жихозланган транспорт воситасини ишлатиш бўйича амалдаги қоидалар, спецификациялар, кўрсатмалар ва қоидаларга риоя қилиш.

б) автомобилнинг Газ баллонларини (ГБО) ва уларнинг таркибий ҳамда бошқа эхтиёт қисмларини яхши холатда сақлашга.

в) ҳар автомобил йўл варақасига автомобилнинг техник холати, газ баллонлари сони ва уларнинг белгиланган хажми тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиб қўйиш.

г) белгиланган тартибда автомобилга ёнилги қуйиш учун рухсат олиш.

д) транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш гувохномасига газ балонларнинг геометрик хажми тўғрисида маълумотни 0,5 аниқлик билан ёзилиши (махсус қўшимчага), шунингдек махсус қайд қилиш воситаси орқали ёки транспорт воситасининг тегишли қисмида ёзган ҳолда кўрсатиш.

**3.3.** «ТАМИНЛОВЧИ» ва «ИСТЕЪМОЛЧИ» сиқилган табиий газнинг жорий ой давомида белгиланган ҳар кунлик меёрий газ хажмини таъминлашга ва қабул қилиб олишга мажбурлар.

«ИСТЕЪМОЛЧИ» «ТАМИНЛОВЧИ» га сиқилган табиий газни истеъмол қилиш тартибида барча кутилаётган ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда ёки телефон орқали ўзгаришдан камида 15 кун олдин хабар

Сканировано с CamScanner

беришга мажбурдир. «ТАМИНЛОВЧИ» тамонидан газ тўлдириш ускуналари жорий, мукаммал таъмир ишлари амалга ошириш лозим бўлганда «ИСТЕЪМОЛЧИ» ни камида 3 кун олдин, мукаммал таъмирлаш ишларидан камида 15 кун олдин огохлантиради.

**3.4.** «ТАМИНОТЧИ» мажбурияти;

а) автотранпорт воситасининг газ ускуналари, ва бошка зарурий жихозларини соз ҳолатда тўғри ишлашини, газ баллонларининг мустахкамлиги ҳолатини текширишга.

б) хайдовчидан сиқилган табиий газли автомашинани бошкариш учун тегишли рухсатнома борлигини, ёкилғи куйиш учун рухсатнома ва йўл варакаси борлигини текшириш.

в) агар «ИСТЕЪМОЛЧИ» ёки («ИСТЕЪМОЛЧИ» ходимлари) белгиланган ёнилғи куйиш коидаларига ва ушбу шартнома шартларига риоя килмаса, «ИСТЕЪМОЛЧИ» транпорт воситасини сиқилган табиий газ билан тўлдирмаслик.

**4. Газни хисобга олиш ва хисоб китоб тартиби.**

**4.1.** «ИСТЕЪМОЛЧИ»га етказиб бериладиган сиқилган табиий газ миқдори «ТАМИНОТЧИ»нинг KWANGSHIN газ тўлдириш жихозлари оркали аникланади, ёки «Ўзбекнефтгаз» тамонидан автомобилларга газ куйиш шахобчаларида «Автомобилларга ёнилғи куйиш учун етказиб бериладиган газ хажмларини аниклаш» (28.11.1995й) бўйича белгиланган меъёрлар асосида хамда Давлат стандарт маркази тамонидан (01.13.1995й №418-сон) газ тўлдириш шахобчаларида «Автомашиналарга тўлдирилган сиқилган табиий газ микдорини аниклаш бўйича кўрсатмалар» асосида аникланади ва хисобга олинади.

**5. Тамонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

**5.1.** Сиқилган табиий газга талаб ушбу шартномада белгиланган миқдор, хажмдан орталиган бўлса тегишли тартибда кўшимча келишув оркали расмийлаштирилади.

**5.2.** Сиқилган табиий газ тўлови мажбуриятларини таъминлаш учун тамонлар карздорнинг мол мулкини гаровга куйиш, гаровда ушлаб туриш бўйича кўшимча битим тузишга ёки «ТАМИНОТЧИ» «ИСТЕЪМОЛЧИ» дан нотариал идора оркали тасдикланган кафиллик ёки кафолат мажбуриятини талаб килиши мумкин.

**5.3.** Ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик жавобгар бўладилар.

**6. Форс-мажор холатлари**

**6.1.** «ТАМИНОТЧИ» ва «ИСТЕЪМОЛЧИ» куйдаги ҳолларда газ етказишни ва кабул килишни кискартириш ва бунинг учун жавобгар бўлмайдилар;

а) магистрал газ кувурлари, шаҳар газ ва электр тармоклари корхоналарида авариялар пайтида олдиндан кўзда тутилмаган холатлар туфайли.

б) Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.

в) магистрал газ кувурларида, шахар газ ва электр тармоқлари корхоналарида мукаммал таъмирлаш ишлари, синов ишлари, киска муддатли таъмирлаш, пайванд ва бошка ишлар амалга оширилганда.

**6. Шартнома муддати.**

**6.1.** Шартнома имзоланган санадан бошлаб номуаян муддатгача ўз кучида колади.

**6.2.**Ушбу шартнома иккала тараф учун, бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

**6.3.** Ушбу шартномада кўзда тутилмаган масалалар, холатлар "Истеъмолчиларга магистрал газ кувури оркали газ бериш коидалари" ва "Автотранспорт воситаларига ёнилғи куйиш учун нефт махсулотлари, суюлтирилган ва таббий сиқилган газ етказиб бериш қоидалари, тарқатиш кайдномаси ва белгиланган миқдор меъёрларини кайд килиш кайдномаси" оркали тартибга солинади. (Адлия вазирлигида рўйхат раками №2072 23.01.2010 йил).

**6.4.** Тарафларнинг келишуви билан хал килиб бўлмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли суд органлари оркали хал килинади.

**12. Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тўлов реквизитлари**

| **«ТАЪМИНЛОВЧИ»** | **«ИСТЕЪМОЛЧИ»** |
|---|---|
| «Интизор Фарангиз» МЧЖ | |
| Манзили: Бешарик кишлоги Ашхабод махалласи | Манзили: |
| Тел/факс: 94-232-47-46 | Тел/факс |
| х/р: 20208000900797016001 | х/р: |
| Банк: «Кишлоккурилиш банк» Хорезм филиали | Банк: |
| МФО: 00553 | МФО: |
| ИНН: 305037985 | ИНН: |

М.Ў. И.Хикметов

М.Ў. Д.М-Усмонов.

Сканировано с CamScanner